


ISSN 2181-5534

---

# ИНФЕКЦИЯ, ИММУНИТЕТ И ФАРМАКОЛОГИЯ

---



**№4 2021**



# ИНФЕКЦИЯ, ИММУНИТЕТ И ФАРМАКОЛОГИЯ

*Научно-практический журнал*

4/2021

*Журнал основан в 1999 году Ташкентским научно-исследовательским институтом вакцин и сывороток*

**Редакционная коллегия:**

**Главный редактор — профессор Тулаганов А. А.**

акад. Арипова Т.У., д.м.н. Абдухакимов А.Н., проф. Арипов А.Н., д.б.н. Аллаева М.Ж., д.м.н. Ашурова Д.Т., проф. Аминов С.Д. (ответственный секретарь), проф. Гулямов Н.Г., проф. Исмаилов С.И., проф. Ибадова Г.А., проф. Искандарова Ш.Ф., проф. Каримов М.М., проф. Каримов М.Ш., проф. Комилов Х.М. проф. Косимов И.А. (зам. глав.редактора), д.м.н. Отабеков Н.С., проф. Туляганов Р.Т. проф. Мавлянов И.Р., проф. Маматкулов И.Х. (зам.глав.редактора), проф. Мусабаев Э.И., проф. Мухамедов И.М., д.м.н. Сабилов Дж.Р. (зам.глав.редактора), д.м.н. Таджикиев Б.М., д.м.н. Таджикиев М.М., проф. Туйчиев Л.Н., д.м.н. Саидов С.А., д.м.н. Иноятов А.Ш., проф. Назруллаев Н.У., д.ф.н. Камбаров Х.Ж., б.ф.н. Кахоров Б.А., ф.ф.н. Жалилов Ф.С.

**Редакционный совет:**

акад. РАН, Кукес В.Г. (Москва)  
акад. Даминов Т.А. (Ташкент)  
акад. Тулегенова А.У. (Астана)  
акад. Тураев А.С. (Тошкент)  
акад. Раменская Г.В. (Москва)  
акад. Иноятова Ф.И. (Ташкент)  
проф. Мадреимов А.М. (Нукус)  
проф. Сагдуллаев.Ш.Ш. (Ташкент)  
д.м.н. Расулов С.К. (Самарканд)

проф. Ахмедова М.Д. (Ташкент)  
проф. Аскарлов Т.А. (Бухара)  
проф. Облокулов А.Р. (Бухара)  
проф. Сайфутдинов Р.Г. (Казань)  
проф. Гариб Ф.Ю. (Москва)  
проф. Каримов Х.Я. (Тошкент)  
проф. Умарова Ш.З (Тошкент)  
проф. Нуралиев Н.А. (Бухара)

TOSHKENT TIBBIYOT  
AKADEMIYASI KUTUBXONASI  
№ \_\_\_\_\_

Ташкент-2021

UVA BERISH  
MUMKIN EMAS

ASOSIY O'QUV ZALI



## Содержание

Сабиров Д.Р., Хусанов А.М., Шамсутдинова М. И., Юсупова О. Ж., Романовская Т. А. ЗДРАВООХРАНЕНИЕ В ЭПОХУ ПАНДЕМИИ ЧЕРЕЗ ПРИЗМУ ВРЕМЕНИ: МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ И ДОСТИЖЕНИЯ В БОРЬБЕ С COVID-19	5
Абдумаликова Ф. Б., Нуриллаева Н.М., Нуритдинова Н.Б., Шукурджанова С. М. ВЛИЯНИЕ ПАНДЕМИИ COVID-19 НА ПОВЕДЕНЧЕСКИЕ И ПСИХОСОЦИАЛЬНЫЕ ФАКТОРЫ РИСКА КАРДИОВАСКУЛЯРНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ	16
Абдурахманова Н.М., Ахмедов Х.С. КЛИНИКО-ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ТЕЧЕНИЯ АНКИЛОЗИРУЮЩЕГО СПОНДИЛОАРТРИТА У БОЛЬНЫХ, ПЕРЕНЕСШИХ COVID-19	20
Azizova F. L., Mirakhmedova Kh.T., Shalaeva A.A., Khalitov I.I., Shalaeva E.V. Working remotely during COVID-19 pandemic and increased risk of subclinical atherosclerosis	23
Алимов С. У. ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА ГАСТРОДУОДЕНАЛ ЯРАЛИ ҚОН КЕТИШЛАРДА ГЕМОСТАЗ ТИЗИМИНИНГ ҚОН ГУРУҲЛАРИ ВА ТАНА ТУЗИЛИШИГА БОҒЛИҚ ХОЛДА ЎЗГАРИШНИНГ ПАТОФИЗИОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ	27
Алимова Х.П., Нурматов В.Х., Набиханова Б.А., Разиметова А.З., Хозинова Э.Ш. ЗНАЧИМОСТЬ УРОВНЯ ПРОКАЛЬЦИТОНИНА ПРИ ТЕРАПИИ ПАЦИЕНТОВ С COVID-19	31
Алимова Х.П., Рахманова Д.И., Марданова Х.А., Ибрагимова Д.С., Эбраев А.Р. ОСОБЕННОСТИ КЛИНИЧЕСКОГО ТЕЧЕНИЯ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ У ДЕТЕЙ	34
Амирова З.Ф., Алимова Х.П., Хусанов А.М., Шамсутдинова М.И., Аралов Б.Ш. ВОЗМОЖНОСТИ ЛУЧЕВОЙ ДИАГНОСТИКИ ПРИ COVID -19	40
Асилова М.У., Назарова Ф.Н., Исмаилова А.А. ВОЗМОЖНОСТИ ИММУНОЛОГИЧЕСКОГО ПРОГНОЗИРОВАНИЯ ИСХОДОВ ТЕЧЕНИЯ COVID-19 (ОБЗОРНАЯ СТАТЬЯ)	45
Бергер И.В., Ачилова О.У., Шамсутдинова М.И. СЛУЧАЙ РАЗВИТИЯ ГЕМАТОЛОГИЧЕСКИХ ПАТОЛОГИЙ НА ФОНЕ ПЕРЕНЕСЕННОГО COVID19	50
Зарипов Б., Алламуратов М., Ахмедова Г.Б. ЎЗБЕКИСТОНДА COVID-19 ДАН ТУЗАЛГАН ОДАМЛАР ФИЗИОЛОГИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ	53
Игнатов П. Е., Ашуров А. А., Маматкулов И.Х., Камиллов Х.М., Саидов А.Б., Жураев Р. Х. ПЕРСПЕКТИВЫ АЭРОЗОЛЬНОЙ ПАССИВНОЙ ИММУНИЗАЦИИ ЛЮДЕЙ ПРОТИВ SARS-COV2	57
Казакбаева Т.Т., Мамбеткаримов Г.А. ОКРУЖАЮЩАЯ СРЕДА И ИХ ВЛИЯНИЕ НА ПЕРЕДАЧУ COVID-19	59
Курбанов Б. Ж. COVID-19ИНФЕКЦИЯСИДАЭПИДЕМИК ЖАРАЁННИНГ НАМОЁН БЎЛИШ БОСҚИЧЛАРИГА МОС РАВИШДА ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ АСОСИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ	63
Курбанов Б.Ж., Маматкулов И.Х., Қосимов О.Ш., Анварова Л.У., Абдурахимова З.Қ., Байжанов А.К. ЎЗБЕКИСТОНДА КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ (COVID-19) ТАРҚАЛИШНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ	66
Мухамедалиева Н.М., Миржалолова Н.Б., Норбоев Х.Н., Анварова Л.У. РОЛЬ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ПРАВОВОГО РЕЖИМА ЧП В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ: ОСОБЕННОСТИ И ОГРАНИЧЕНИЯ, ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ РЕШЕНИЯ	70
Норбоев Х. Н., Анварова Л.У., Мухамедалиева Н.М., Миржалолова Н.Б. О МЕРАХ ПО ПРОФИЛАКТИКЕ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ В СИСТЕМЕ МИНИСТЕРСТВА ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН	73
Набиева Д.А., Хидоятлова М.Р., Абдуллаев Б.С., Камилова Ж.Э. КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИНИ (COVID-19) ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА ОСТЕОАРТРИТНИНГ КЛИНИК КЕЧИШИГА СЕМИЗЛИКНИ ТАЪСИРИ	77
Нуриллаева Н.М., Шоалимова З.М., Шукурджанова С.М., Низаметдинова У.Ж. ПОКАЗАТЕЛИ СОСУДИСТОГО ВОСПАЛЕНИЯ У БОЛЬНЫХ СТЕНОКАРДИЕЙ НАПРЯЖЕНИЯ, ПЕРЕНЕСШИХ COVID-19	80



Паттахова М.Х. ПОВРЕЖДЕНИЕ ПЕЧЕНИ ПОСЛЕ ПЕРЕНЕСЕННОГО COVID-19	84
Саломова Ф.И., Садуллаева Х.А., Шеркузиева Г.Ф., Ахмадалиева Н.О. ЎЗБЕКИСТОН-ДА COVID-19 ГА ҚАРШИ КУРАШ ТАЖРИБАСИ ВА КАСАЛЛАНГАНЛАРНИ ДАВОЛАШГА МОСЛАШТИРИЛГАН ШИФОХОНАЛАРДА ДАВОЛАНИШ ШАРОИТЛАРИГА ГИГИЕНИК ХАРАКТИРИСТИКАСИ	86
Саматова И.Р., Байжанов А.К., Хикматуллаева А.С. ЭФФЕКТИВНОСТЬ КОМПЛЕКСНОЙ ТЕРАПИИ БОЛЬНЫХ С ЛЕГКИМ И СРЕДНЕТЯЖЕЛЫМ ТЕЧЕНИЕМ COVID-19	90
Saidova M.E., Maksudova M.H. CASE OF CARDIOVASCULAR DISEASES IN PATIENTS WITH COVID-19	95
Турабова Н.Р., Шамсутдинова М.И. ПОТЕНЦИАЛЬНЫЕ СЮЖЕТЫ РАЗВИТИЯ ИММУННОГО ОТВЕТА К КОРОНАВИРУСУ НОВОГО ТИПА SARS-COV-2	99
Hasanova B.J., Rahimov B.S., Rahimova D.O. VAKSINADORIVOSITALARIQO`LLANILISHINING MARKETING TADQIQOTLARI	108
Хаджибаева Г.А., Алимова Х.П., Шамсутдинова М.И., Джуламанова Д.И., Эшанова Ю.Р. ОСОБЕННОСТИ ТЕЧЕНИЯ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ У БЕРЕМЕННЫХ	111
Хидоятова М.Р., Каюмов У.К., Иноятова Ф.Х., Хамраева Г.Ш., Миразимов Д.Б., Тажетдинов Н.А., Хошимов У.У., Хакимов Б.Б. ПОКАЗАТЕЛИ СИСТЕМЫ ГЕМОСТАЗА У БОЛЬНЫХ С СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТЫМИ ЗАБОЛЕВАНИЯМИ НА ФОНЕ COVID-19	116
Шайхова Г.И., Абдуллаева Д.Г., Сабиров Д.Р. ПРОБЛЕМА ПРАВИЛЬНОГО ПИТАНИЯ И ПРОФИЛАКТИКА АЛЛЕРГИЧЕСКИХ РЕАКЦИЙ В УСЛОВИЯХ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ COVID-19	120
Шамсутдинова М.И., Ачилова О.У., Бергер И.В. ИЗМЕНЕНИЯ В СИСТЕМЕ ГЕМОСТАЗА ПРИ COVID-19	124
<b>КРАТКИЕ СООБЩЕНИЯ</b>	128
Алимова Х.П., Амирова З.Ф., Йулчибаев Ж.А., Шамсутдинов М.М., Юсупова О.Д. COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА ЗОТИЛЖАМНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШДА МСКТ АХАМИЯТИ	129
Алимова Х.П., Нуралиева Г.С., Марданова Х.А., Эбраев А.Р. ОСОБЕННОСТИ ТЕЧЕНИЕ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ У ДЕТЕЙ	129
Амирова З.Ф., Аралов Б.Ш., Шамсутдинов М.М., Астанов Ё.Б., Юсупова О.Д. УЛЬТРАТОВУШ ТЕКШИРУВИНИНГ COVID-19 НИ ТАШХИСЛАШДА АХАМИЯТИ	130
Ахмедов М.К. ШОВОТ ТУМАНИДАГИ КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИГА ҚАРШИ ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР	131
Газиева Ш.Р. ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ АНТИОКСИДАНТНОЙ ТЕРАПИИ У БОЛЬНЫХ ПЕРЕНЕСШИХ COVID-19 С ИШЕМИЧЕСКИМ ИНСУЛЬТОМ	132
Джуманиязова Г.М., Ахмедов Ф.Р. COVID-19 КЛИНИК КЕЧИШИДА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР	132
Ибадов Р.А., Ибрагимов С.Х., Хакимов Б.Б. ОСОБЕННОСТИ КЛИНИЧЕСКОГО ТЕЧЕНИЯ ПСИХОЭМОЦИОНАЛЬНЫХ НАРУШЕНИЙ ПРИ ПНЕВМОНИИ COVID-19	133
Ибадов Р.А., Ибрагимов С.Х., Хакимов Б.Б. СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ РЕЗУЛЬТАТОВ СЕДАЦИИ У БОЛЬНЫХ С ПСИХОЭМОЦИОНАЛЬНЫМИ НАРУШЕНИЯМИ НА ФОНЕ COVID-19	135
Игнатов П.Е. НУЖНА ЛИ ИММУНОМОДУЛЯЦИЯ В ПРОЦЕССЕ ЛЕЧЕНИЯ КОВИД-19?	136
Игнатов П.Е., Маматкулов И.Х., Сабиров Д.Р. СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ ВАКЦИНОПРОФИЛАКТИКИ КОВИД-19	137
Karimdjanov I.A., Sadiqova N.B. PECULIARITIES OF REHABILITATION OF CHILDREN WITH RECURRENT BRONCHITIS UNDER CORONAVIRUS INFECTION.	137



Курбанов Б.Ж. <i>НОВАЯ КОРОНАВИРУСНАЯ ИНФЕКЦИЯ COVID-19: ЭПИДЕМИЧЕСКАЯ СИТУАЦИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ</i>	138
Madirimova L.O., Yusupova O.B. <i>KORONAVIRUS VA O'RI KASALLIKLARIDA BEMORLARNING PSIXO-EMOTSIONAL STATUSINI BAXOLASH</i>	139
Маматкулов И.Х. <i>УРОКИ ПАНДЕМИИ COVID-19: ОШИБКИ, ИЗВЛЕЧЁННЫЕ ИЗ НЕЁ</i>	140
Машарипова Ю.К., Шамсутдинова М.И., Абдуллаев Р.Б., Койиров А.К. <i>СУРУНКАЛИ ПАНКРЕАТИТДА COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИНИНГ ТАЪСИРИ</i>	142
Норбоев Х.Н., Анварова Л.У., Абдурахманова З.К. <i>О КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ И ВОСРОСЫ ПРОФИЛАКТИКИ</i>	142
Пирматов Н.О., Хусанов А.М., Абдурахманов А.А., Амирова З.Ф. <i>МАЛЫЙ И БОЛЬШОЙ ГИДРОТОРАКСЫ ПРИ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ</i>	143
Раджабов А.И., Абдувалиев Д.Е. <i>ИЗУЧЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНДИВИДУАЛЬНОЙ АДЕКВАТНОЙ АНТИКОАГУЛЯНТНОЙ ТЕРАПИИ ПРИ ТЯЖЕЛЫХ ФОРМАХ COVID-19 БОЛЬНЫХ</i>	144
Реймбаева Д. <i>COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИ ВА ЭМЛАШ!</i>	145
Реймбаева Д. <i>ЭМЛАШ БАРЧА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРГА ҚАРШИ САМАРАЛИ ЙЎЛ</i>	146
Рузиев К.И., Сабиров Д.Р., Абдулахатов Б. Ш. <i>НОВЫЕ ИННОВАЦИОННЫЕ АНТИВИРУСНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ "ТОР" ПРИ COVID 19</i>	147
Садирова Ш.С., Бригида К.С., Бакиева Ш.Р., Homie Razavi, Rick Dunn, Мусабаев Э.И. <i>ВЛИЯНИЕ COVID-19 НА ВЫЯВЛЯЕМОСТЬ ВИРУСНОГО ГЕПАТИТА В В Г. ТАШКЕНТА</i>	148
Тешаев О.Р., Рахмонова Г.Э., Раджапов М.А., Ўктамова Д.З. <i>РАДИОЛОГИЧЕСКОЕ ПРОЯВЛЕНИЯ МИОКАРДИТА ВЫЗВАННОГО СОВИД-19.</i>	149
Тешаев О.Р., Рахмонова Г.Э., Ўктамова Д.З. <i>КОРОНАВИРУС ЭТИОЛОГИЯЛИ ЎТКИР ПНЕВМОНИЯСИНИНГ РЕНТГЕНОГРАММАЛАРДАГИ ТАХЛИЛИ</i>	150
Турабова Н.Р. <i>СРАВНИТЕЛЬНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА И ДИАГНОСТИЧЕСКАЯ ЦЕННОСТЬ</i>	151
Уралова С. <i>COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА САНИТАРИЯ СОҲАСИНИНГ ЎРНИ</i>	152
Qulmatov G.O. <i>COVID-19 BILAN KASALLANGAN BEMORLARDA METABOLIKSINDROMNING KESHISHI</i>	153
Хакимов М.Ш., Рахманов С.У., Имамов А.А., Муродов А.М., Рахимзода Т.Э. <i>ВЫБОР ХИРУРГИЧЕСКОЙ ТАКТИКИ ПРИ ОСТРОМ КАЛЬКУЛЕЗНОМ ХОЛЕЦИСТИТЕ У БОЛЬНЫХ ПОСЛЕ ПЕРЕНЕСЕННОЙ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ</i>	154
Шамсутдинова М.И., Тойчиев А.Х., Таджиева З.М., Шамсутдинов М.М., Осипова С. <i>ОПРЕДЕЛЕНИЕ СПЕЦИФИЧЕСКОГО ASPERGILLUS IGG У БОЛЬНЫХ COVID-19</i>	155
Шамсутдинова М.И., Тойчиев А.Х., Таджиева З.М., Шамсутдинов М.М., Осипова С. <i>ЧУВСТВИТЕЛЬНОСТЬ К АНТИМИКОТИКАМ ШТАММОВ ASPERGILLUS SPP. ВЫДЕЛЕННЫХ ОТ БОЛЬНЫХ COVID-19 В ПЕРИОД РЕКОНВАЛЕСЦЕНЦИИ</i>	155
Юсупова О.Б. Мадримова Л.О. <i>КОВИД-19 БИЛАН КАСАЛЛАНИШДА ОВҚАТЛАНИШГА ТАВСИЯЛАР</i>	156
Yoon Moonsoo <i>2020 KOREA INTERNATIONAL COOPERATION AGENCY: LESSONS LEARNED FROM COVID-19 RESPONSE PROGRAM IN UZBEKISTAN</i>	157



## ЎЗБЕКИСТОНДА COVID-19 ГА ҚАРШИ КУРАШ ТАЖРИБАСИ ВА КАСАЛЛАНГАНЛАРНИ ДАВОЛАШГА МОСЛАШТИРИЛГАН ШИФОХОНАЛАРДА ДАВОЛАНИШ ШАРОИТЛАРИГА ГИГИЕНИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Саломова Феруза Ибодуллаевна

*fsalomova@mail.ru,*

Садуллаева Хосият Абдурахмановна

*xosiyat.sadullaeva@tma.uz,*

Шеркузиева Гузал Фахритдиновна

*guzal.sherquzieva@tma.uz,*

Ахмадалиева Нигора Одиловна

*nakhmadalieva21@mail.ru*

*Тошкент тиббиёт академияси*

2020 йилнинг 21 январидан бошлаб ЖССТ ҳар куни (Situation reports) COVID-19 билан касаллик тасдиқланган ҳолатларнинг сони, ушбу касалликдан ўлганлар ва соғайганлар тўғрисидаги маълумотни эълон қилиб бормоқда. 2021 йилнинг 10 май ҳолатига кўра, бутун дунёда умумий касалланганлар сони 160 370 699 нафар, соғайганлар 138 159 689 нафар, вафот этганлар 3 332 824 нафар кишини ташкил этмоқда (<https://www.worldometers.info/coronavirus/>) [1], Республикамизда эса жами касалланганлар сони 95467 нафар, даволанаётганлар - 3825 нафар, соғайганлар 90976 нафар, вафот этганлар 666 нафар кишини ташкил этмоқда.

Мамлакатимизда COVID-19 пандемияси тарқалишининг олдини олиш қаратилган қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди, жумладан, ЎзР Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6035-сон Фармони, ВМнинг “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, ССВнинг “Коронавирус инфекциясини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича захира мутахассисларни тайёрлаш тўғрисида”ги буйруғи ва “Халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган COVID-19 бўйича миллий қўлланма тиббиёт амалиётига жорий этилишини янада жадаллаштириш ҳақида”ги буйруғи

ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар [2-6].

Ўзбекистонда COVID-19нинг биринчи ҳолати рўйхатга олингандан кейин ҳукумат қарорлари асосида қуйида келтирилган чоралар кўрилди: 2020 йил 15 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан ўтказилган расмий брифингда мамлакат аҳолисига COVID-19 касаллигининг биринчи ҳолати ва карантин чоралари қўлланилиши тўғрисида маълумот берилди; 15 мартдан бошлаб барча оммавий (спорт, маданий) тадбирлар, шу жумладан, миллий байрамлар шарафига бағишланган тантаналар бекор қилинди (чеклаш амал қилади); 16 мартдан бошлаб хорижий давлатлар билан ҳаво йўл алоқалари тўхтатилди; 19 мартдан бошлаб хорижий давлатлар билан темир йўл алоқаси тўхтатилди; 20 мартдан бошлаб озиқ-овқат этказиб бериш хизматидан ташқари барча овқатланиш шохобчалари (кафе, ресторан ва бошқалар) фаолияти тўхтатилди; 21 мартдан барча кўнгилочар муассасалар ёпилди; 22 мартдан бошлаб жамоат транспортининг барча турлари тўхтатилди; 23 мартдан бошлаб ҳар қандай оммавий тадбирларни, шу жумладан тўйларни, оилавий байрамларни ва бошқа маросимларни ўтказиш таъқиқланди; 30 мартдан бошлаб шахсий транспорт воситаларидан фойдаланиш таъқиқланди (фавқулодда ҳолатлар бундан мустасно); 6 апрелдан бошлаб велосипед ва транспорт воситаларидан фойдаланиш таъқиқланди (фавқулодда ҳолатлар бундан мустасно); Барча болалар боғчалари, мактаблар ва ОТМлар 16 мартдан ёпилди. Мактаб ва ОТМлар онлайн ўқишга ўтказилди. 2020 йилнинг 30 мартдан 8 майгача Ўзбекистонда қатъий биринчи карантин



2020 йилнинг 10 июлидан 11 августигача такрор (иккинчи) қатъий карантин ўрнатилди.

COVID-19 га қарши кураш бўйича республика махсус комиссия, COVID-19 нинг кенг тарқалишини олдини олиш бўйича штаб, COVID-19 билан касалланган беморларни даволашни ташкил этиш бўйича штаб, Коронавирусга қарши кураш бўйича мутахассисларнинг илмий кенгаши тузилди. COVID-19 га қарши кураш бўйича республика махсус комиссия ЎзР Бош вазири томонидан бошқарилади ва аҳолининг соғлиғини сақлаш ва коронавирус инфекциясининг кенг тарқалишининг олдини олишга қаратилган стратегик қарорларни қабул қилиш учун тузилган; COVID-19 нинг кенг тарқалишини олдини олиш бўйича штаб Бош давлат санитария шифокори бошчилигидаги идоралараро орган. Бош штабнинг мақсади коронавирус инфекциясининг кенг тарқалишини олдини олиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишдир; COVID-19 билан касалланган беморларни даволашни ташкил этиш бўйича штабни ЎзР Бош вазирининг ўринбосари бошқаради. Штаб COVID-19 билан касалланган беморларни даволаш ва консултациясини ташкил этиш учун Штаб ишига вақти-вақти билан этакчи хорижий мутахассислар жалб қилинмоқда; Коронавирусга қарши кураш бўйича мутахассисларнинг илмий кенгаши ССВда ташкил этилган бўлиб, унинг таркибига Ўзбекистоннинг тиббиётнинг турли соҳаларидаги етакчи олимлар ва мутахассислар қиради. Кенгашнинг мақсади беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқишдир.

Коронавирусга оид маълумотларни аҳолига ахборот етказиш учун Telegram канал, Telegram-бот ва Call-марказлари ташкил этилди. Telegram канал. COVID-19 инфекцияси биринчи марта қайд этилган кундан бошлаб Ўзбекистон аҳолисини ҳаққоний ахборот етказиш мақсадида «Coronavirus Info» расмий телеграм канали ишга туширилди. Каналга бир неча кун ичидан 1 миллион 100 мингдан ортиқ аҳоли обуна бўлди. Telegram-бот. Тошкент тиббиёт академияси базасида дам олиш кунларисиз сутка давомида ишлайдиган Телеграм бот яратилди. COVID-19 билан боғлиқ ҳар қандай саволларга ТТАнинг етакчи мутахассислари жавоб беришди ва Телеграм Ботни бошқа-

ришди. Call-марказ. Ўзбекистон аҳолисига қулайлик яратиш учун бир қатор call-марказлар ишга туширилди, улар орқали даволаниш ва касалхонага ётқизиш, ижтимоий ёрдам олиш, психологик кўмак олиш ва ҳ.к.лар ҳақида ҳар қандай маълумот олиш мумкин бўлди.

ССВ томонидан коронавирус инфекцияси тарқалиши асоратларини камайтириш, беморларга самарали тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида давлат тиббиёт муассасаларида 5 мингдан ортиқ ўрин-жойлар заҳираси яратилди.

Тошкент вилоятида замонавий ихтисослаштирилган кўп тармоқли юқумли касалликлар шифохонаси комплекси (Зангиота-1 ва Зангиота-2) қурилди. Комплексининг ер майдони 33 га. 4 даволаш блоки 2000 пациентга мўлжалланган. Ҳар бир блокда 5та даволаш корпус мавжуд, жумладан 3та стационар бокси, реанимацион ва хирургик бўлимлар. Ҳар бир бўлим ва палаталар замонавий вентиляция ва ҳавони филтрлаш тизими билан таъминланган. Палата, кабинет ва хоналарнинг поллари антибактериал қопламага эга. Ҳар бир боксда беморлар учун алоҳида овқатланиш ва ювиниш шароитлари яратилган. Тез ёрдам машинасида келган пациент палатага алоҳида эшик орқали жойлаштирилади. Шифохонадан чиқаётган тез ёрдам машинаси дезинфекция қилинади. Вертолёт учун қўниш майдони ҳам мавжуд.

Шу билан бирга Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан пойтахтда COVID-19 тасдиқланган ёки гумон қилинган беморларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш учун саралаш тақсимлаш марказлари ташкил этилди: 814 ўринли «Ўзэкспомарказ», 1-2 Павильонлари (ЎзР МВ); 1000 ўринли «Ўзэкспомарказ», 3-4 Павильонлари (Тошкент ш ҳокимияти); 1008 ўринли Атлас мебель; 520 ўринли «Ёшлик» Спорт комплекси (ДХХ); 750 ўринли «Универсал» Спорт комплекси (ИВВ); 350 ўринли «Назарбек» санаторияси (Миллий гвардия).

**Тадқиқотнинг мақсади** COVID-19 тасдиқланган ёки гумон қилинган беморларни даволашга мослаштирилган даволаш-профилактика муассасалари (ДПМ) шароитларига гигиеник баҳо бериш ҳамда уларни оптималлаштириш бўйича тавсияларни такомиллаштиришдан иборат.



## **Тадқиқот материаллари ва қўлланилган усуллар**

Тадқиқот ишлари Тошкент тиббиёт академияси (ТТА) кўп тармоқли клиникаси ва «Назарбек» санаторияси негизидаги шифохонада олиб борилди. Гигиеник шароитларнинг кўрсаткичлари сифатида микроклим кўрсаткичлари (ҳарорат, намлик, ҳавонинг ҳаракат тезлиги), асосий хоналарининг амалдаги ёритилиш даражаси, шовқин даражаси, электростатик майдоннинг кўрсаткичи, 1 м<sup>3</sup> ҳаводаги аэроионлар сони, ёпиқ жойда ҳаводаги радоннинг миқдорига гигиеник баҳо берилди. Ушбу омиллар умумқабул қилинган тадқиқот усуллари ёрдамида ТТА илмий-тадқиқот лаборатория асбоб-ускуналаридан фойдаланган ҳолда олиб борилди. Гигиеник омилларини ўрганиш натижалари амалдаги меъёрий ҳужжатлар (СанҚваМ 0292-11, СанҚваМ 0342-17, COVID-19 бўйича миллий қўлланма, ЎзР СанҚваМ 0324-16, СанҚваМ 0325-16, ҚМҚ 2.01.05-98, СанҚваМ 0335-16, СанҚваМ 193-06) талабларига мослиги баҳоланди.

## **Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси**

Маълумки, юқумли касалликлар беморнинг асосан ҳарорати кўтарилиши билан кечади, шунинг учун шифохона микроклим параметрлари оптимал бўлиши талаб этилади. СанҚваМ 0292-11 талабаларига кўра, юқумли касалликлар шифохонасида ҳавонинг ҳарорати 22-24<sup>0</sup>С, ҳавонинг намлиги 40-60%, ҳавонинг ҳаракат тезлиги 0,1-0,2 м/с атрофида лозим. Текширув ишлари йилнинг иссиқ ва совуқ мавсумларида ўтказилиши лозим. Аммо мазкур ишимизда йилнинг совуқ мавсумида ўтказилган текширув натижалари келтирилган.

Иш куни давомида (иш куни бошида, ўртасида ва охирида) турли хоналарида микроклим параметрлари ўлчаш натижалари текширув ўтказилган ДПМларнинг барча хоналарида микроклим параметрлари асосан оптимал кўрсаткичларга яқин бўлганлигини кўрсатди. Иш кун бошида Назарбек ва ТТАнинг қабулхона ва палаталарида ҳарорат 2-3<sup>0</sup>С га оптимал кўрсаткичдан юқорилиги қайд этилди, аммо кун охирига келиб ҳавонинг ҳарорати оптимал кўрсаткич даражасига яқинлашгани аниқланди. Кун жавомида барча хоналарда намлик мақбул қийматга эга эканлиги аниқланди.

Ҳавонинг ҳаракат тезлиги ТТАнинг текширув ўтказилган хоналарида оптимал

қийматларга эга бўлиб, Назарбек шифохонасининг текширилган барча хоналарида кун давомида тавсия этилган қийматлардан 1,5-2 барабар паст паст эканлиги аниқланди, бу биринчидан терморегуляция функциясининг бузилишига ва иккинчидан ҳаво таркибидаги вируслар миқдорини кўпайишига сабаб бўлиши мумкин.

Палаталар табиий ва сунъий ёритилган бўлиши керак. Табиий ёритилганлик етарли даражада бўлиши учун ёруғлик тушадиган ойна юзаси пол юзасга нисбати 1:5, 1:6 бўлгандагина эришилади (ёритилганлик коэффициенти-ЕК).

Текширув ўтказилган муассасалардан ёритилиш даражаси мақбул қийматларга эга эканлиги аниқланди.

Даволаш муассасаларида шовқин даражаси асосан тиббий асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги билан изоҳланади, айниқса КТ ва рентген хонасида текширув ўтказиш пайтида хоналарда шовқин фонини яратади, бу шовқинни интервалли, кенг спектрли шовқин сифатида тавсифланиши мумкин. Шунингдек каталкада беморларнинг ташиши жараёнида шовқин кузатилади. Қабулхонада ва палаталарда шовқиннинг умумий даражаси 50±8 дБА, беморларни қабул қилиш пайтида - 60±7 дБА ни ташкил этди ва бу гигиеник талабларига жавоб беради.

Текширув ўтказилган тиббий муассасаларнинг хоналарида ҳавонинг кучли кимёвий ифлосланиш манбалари мавжуд амас. Аммо кун давомида 3 мартадан барча хоналарда намли тозалаш ишлари зарарсизлантирувчи моддалардан (асосан хлор сақловчи моддалар) фойдаланилган ҳолда олиб борилиши ва антисептик моддалардан кўп фойдаланиш ҳавонинг кимёвий ифлосланишига сабаб бўлиши мумкин деган тахмин қилдик ва ҳавонинг кимёвий таркибини текшириш ишларини ўтказдик. Хоналарда ҳаво таркиби текширилганда, биз бирон бир сунъий кимёвий моддаларни аниқламадик. Шу билан бирга, қабулхона ва палаталарда антропоген ифлосланиш кўрсаткичи - карбонат ангидрид ва аммиакни борлигини аниқладик. Ҳавонинг антропоген ифлосланишини кўрсатувчи СО<sub>2</sub> концентрацияси 0,1% дан ошиши турар жой ва жамоат бинолари ҳавосини ифлосланишидан далолат беради. Бизнинг маълумотларга кўра, уччала муассасанинг текширув ўтказилган барча хоналарида карбонат ангидриднинг бундай концентрацияси кузатилмади.



Бизнинг маълумотларимиз шуни кўрсатадики, ўлчов кўрсаткичларининг ўртача натижалари қайд этилишига қарамай, уларнинг динамикаси иш куни давомида хоналарда ҳаво муҳити сифатининг аста-секин ёмонлашувидан далолат беради. Ушбу маълумотлар нафақат хонани вентиляция қилиш сифатини, балки радон таъсиридаги радиация таъсирини ҳам акс эттиради.

Шундай қилиб, COVID-19 тасдиқланган ёки гумон қилинган беморларни даволашга мослаштирилган даволаш-профилактика муассасаларининг гигиеник шароитларини ўрганиш қуйидаги дастлабки хулосаларни чиқаришга имкон беради: текширувимиз остида бўлган барча тиббий муассасаларнинг ўлчов ишлари ўтказилган асосий хоналарида микроклим параметралари СанҚваМ 0292-11 талабаларига мос келади. Тиббий муассасалар асосий хоналари ҳавосининг кимёвий таркибини текшириш натижалари намли тозалаш учун ишлатиладиган хлор эритмалари ва антисептиклар ҳавони ифлослантормаётганини кўрсатди.

Аҳоли ўртасида касалликни камайтириш учун амалга ошириладиган тадбирларни: манбани эрта аниқлаш, яъни йўллари яллиғланиш аломатлари (иситма, йўтал, грипп) бўлганларни эрта касалхонага ётқизиш, эҳтиёт чораларини кўриш (тиббий ниқоб тақиш, нафас олиш ва қўл гигиенаси, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш), ижтимоий масофани сақлаш ва соғлом турмуш тарзига риоя қилиш бўйича тадбирларни талаб даражасида бажариш лозим.

### Адабиётлар

1. <https://www.worldometers.info/coronavirus>
2. ЎзР Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон Фармони (19.03.2020).
3. ЎзР Президентининг “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6035-сон Фармони (25.07.2020).
4. ЎзР ВМнинг “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 176-сон Қарори (23.03.2020).
5. ЎзР ССВнинг “Коронавирус инфекциясини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича захира му-

тахассисларни тайёрлаш тўғрисида”ги 77-сон буйруғи (22.03.2020).

6. ЎзР ССВнинг “Халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган COVID-19 бўйича миллий қўлланмани тиббиёт амалиётига жорий этилишини янада жадаллаштириш ҳақида”ги 96-сон буйруғи (31.03.2020).

### Izoh

*COVID-19 тасдиқланган ёки гумон қилинган беморларни даволашга мослаштирилган даволаш-профилактика муассасаларининг гигиеник шароитларини ўрганиш қуйидаги дастлабки хулосаларни чиқаришга имкон беради: текширувимиз остида бўлган барча тиббий муассасаларнинг ўлчов ишлари ўтказилган асосий хоналарида микроклим параметралари СанҚваМ 0292-11 талабаларига мос келади. Тиббий муассасалар асосий хоналари ҳавосининг кимёвий таркибини текшириш натижалари намли тозалаш учун ишлатиладиган хлор эритмалари ва антисептиклар ҳавони ифлослантормаётганини кўрсатди.*

*Опыт борьбы с COVID-19 в Узбекистане и гигиеническая характеристика условий лечения в больницах, адаптированных для лечения пациентов с COVID-19*

### Аннотация

*Изучение гигиенических условий лечебно-профилактических учреждений, адаптированных для лечения больных с COVID-19, позволяет сделать следующие предварительные выводы: Параметры микроклимата в основных помещениях всех подконтрольных нам медицинских учреждений, где проводились измерения, соответствуют Санитарным правилам и нормам № 0292-11. Результаты проверки химического состава воздуха в основных помещениях трех медицинских учреждений показали, что хлорные растворы и антисептики, используемые для влажной уборки, не загрязняют воздух.*

### EXPERIENCE IN COMBATING COVID-19 IN UZBEKISTAN AND HYGIENIC CHARACTERISTICS OF TREATMENT CONDITIONS IN HOSPITALS ADAPTED TO TREAT PATIENTS WITH COVID-19

#### Summary

*The study of the hygienic conditions of medical institutions adapted for the treatment of patients with COVID-19 allows us to draw the following preliminary conclusions: The microclimate parameters in the main rooms of all medical institutions under our control, where measurements were carried out, correspond to the Sanitary rules and norms № 0292-11. The results of inspections of the chemical composition of the air in the main rooms of the three medical institutions showed that the chlorine solutions and antiseptics used for wet cleaning do not pollute the air.*